

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Абдугаппаров Алишер Азатович

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтининг

Марказ бошлиғи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18766573>

Аннотация. Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари назарий-методологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Ҳуқуқий тарбиянинг педагогик тизимдаги ўрни, унинг тарбиянинг бошқа йўналишлари билан ўзаро алоқадорлиги, ёш хусусиятларига мос равишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг назарий асослари ёритилган. Мақолада ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентлари, унинг мазмуни, принциплари ва ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни ривожлантиришнинг концептуал модели ишлаб чиқилган. Илмий тадқиқот натижасида ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлигини оширишга қаратилган назарий хулосалар шакллантирилган.

Калим сўзлар: ҳуқуқий тарбия, умумтаълим мактаби, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий компетенция, педагогик жараён, тарбия тизими, ўқувчи шахси.

SPECIFIC FEATURES OF THE LEGAL EDUCATION PROCESS IN GENERAL EDUCATION SCHOOLS: THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ANALYSIS

Abstract. This article provides a theoretical and methodological analysis of the specific features of the legal education process in general education schools. The role of legal education in the pedagogical system, its interrelation with other areas of upbringing, and the theoretical foundations of forming legal consciousness and legal culture in accordance with age-specific characteristics are examined. The article develops the structural components of the legal education process, its content, principles, and a conceptual model for developing legal competence in students. As a result of the scientific research, theoretical conclusions aimed at improving the effectiveness of legal education have been formulated.

Keywords: legal education, general education school, legal consciousness, legal culture, legal competence, pedagogical process, education system, student personality.

КИРИШ

Замонавий жамиятда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи глобал аҳамият касб этмоқда. Бу борада ёш авлодда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жараёни муҳим ижтимоий-педагогик вазифалардан бири сифатида алоҳида эътиборга молик. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларнинг шахсий ривожланишида, уларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрланишида ва фуқаролик позициясини шакллантиришда марказий ўрин тутди. Шу муносабат билан, ҳуқуқий тарбия жараёни мактаб таълим-тарбия тизимининг ажралмас таркибий қисми сифатида назарий-методологик жиҳатдан чуқур ўрганишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида "Ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунларга амал қилишга мажбурдир" деб белгиланган. Ушбу конституциявий талаб фуқароларда, айниқса ёш авлодда, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни тизимли равишда шакллантириш зарурлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Фармони ҳам ёш авлод тарбиясида ҳуқуқий саводхонликни оширишга алоҳида аҳамият қаратилишини тақозо этади.

Ўрганиш жараёнида тадқиқотнинг долзарблиги қайси омиллар билан белгиланади деган саволга жавоб изласак:

— *биринчидан*, демократик жамият куриш жараёнида фуқаролик жамиятининг субъектлари — ёш авлод вакилларида ҳуқуқий онгни шакллантириш ижтимоий зарурат сифатида кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бирига айланган;

— *иккинчидан*, вояга етмаган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг кузатилиши ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради;

— *учинчидан*, мактаб таълим-тарбия тизимида ҳуқуқий тарбиянинг назарий-методологик асосларини янада чуқурроқ ишлаб чиқиш зарурлиги мавжуд;

— *тўртинчидан*, ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини назарий-методологик жиҳатдан таҳлил қилиб, унинг концептуал асосларини ишлаб чиқилса қуйдагилар вазифалар маълум:

1. Ҳуқуқий тарбия тушунчасининг мазмунини педагогик нуқтаи назардан аниқлаштириш;

2. Ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентларини назарий жиҳатдан асослаш;

3. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини тизимлаштириш;

4. Ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш.

Ҳуқуқий тарбия муаммосининг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб отечествалик ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ҳуқуқий тарбиянинг фалсафий-назарий асослари С.С. Алексеев, В.В. Лазарев, Н.И. Матузов, А.В. Малько, В.Н. Кудрявцев каби олимларнинг илмий ишларида кенг ёритилган. Уларнинг тадқиқотларида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги масалалари фундаментал даражада ўрганилган.

Педагогик нуқтаи назардан ҳуқуқий тарбия масалалари Б.Т. Лихачёв, И.Ф. Харламов, В.А. Сластёнин, Ю.К. Бабанский, П.И. Пидкасистый кабиларнинг асарларида тадқиқ этилган. Бу олимлар ҳуқуқий тарбияни умумий тарбия тизимининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиб, унинг педагогик жараёндаги ўрни ва аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаганлар.

Ўзбекистонлик олимлардан М.Х. Тохтаходжаева, Қ.Т. Олимов, Н.А. Муслимов, О.Ш. Мусурманова, Б.Р. Адизов, Э.Ғозиев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида миллий таълим тизимида тарбия жараёнининг назарий-методологик асослари ишлаб чиқилган.

Хусусан, ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масалалари Ш.К. Мирзиёева, О.М. Мусурмонова, Р.Х. Жўраев кабиларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Хорижий тадқиқотларда ҳуқуқий таълим (legal education, civic education) муаммолари J. Patrick, R. Gross, T. Dynneson, W. Parker, J. Torney-Purta, J. Schwillе, B. Massialas каби олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган. Америка ва Европа мамлакатларида "civic education" ва "citizenship education" концепциялари доирасида ҳуқуқий тарбиянинг назарий моделлари ишлаб чиқилган.

Шунга қарамай, умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини тизимли равишда тадқиқ этишга бағишланган комплекс назарий тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган. Хусусан, ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентлари, ёш хусусиятларига мувофиқ ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг босқичлари, ҳуқуқий тарбиянинг тарбиянинг бошқа йўналишлари билан интеграциялашуви масалалари янада чуқурроқ назарий таҳлилни тақозо этади.

Изданишда қуйидаги методологик ёндашувлар қўлланилган:

Тизимли ёндашув — ҳуқуқий тарбия жараёнини яхлит педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш ва унинг компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш имконини берди. Тизимли ёндашув (В.П. Беспалько, Ю.К. Бабанский) нуктаи назаридан ҳуқуқий тарбия жараёни мақсад, мазмун, воситалар, шакллар, методлар ва натижа компонентларини ўз ичига олувчи яхлит тизим тариқасида тадқиқ этилди.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув (А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн) — ўқувчилар фаолиятини ҳуқуқий тарбия жараёнининг марказий компоненти сифатида тадқиқ этиш имконини яратди. Бу ёндашувга кўра, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият фақат фаол ижтимоий-ҳуқуқий фаолият жараёнида шаклланади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув (И.С. Якиманская, Е.В. Бондаревская) — ўқувчи шахсини ҳуқуқий тарбия жараёнининг субъекти сифатида кўриб чиқиш ва унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсир кўрсатиш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Компетенциявий ёндашув — ҳуқуқий тарбиянинг натижасини ўқувчиларнинг ҳуқуқий компетенциясини шакллантириш орқали баҳолаш имконини яратди. Бу ёндашув ҳуқуқий билимлар, кўникмалар ва муносабатларнинг интегратив бирлигини таъминлаш зарурлигини назарий жиҳатдан асослашга хизмат қилди.

Тадқиқот усуллари сифатида илмий адабиётларни назарий таҳлил қилиш, тизимлаштириш, классификациялаш, қиёсий таҳлил ва моделлаштириш методларидан фойдаланилди, натижада қуйдаги тадқиқот натижалари ва муҳокамали маълум бўлди.

1. Ҳуқуқий тарбиянинг педагогик мазмуни

Ҳуқуқий тарбия тушунчаси юридик ва педагогик фанлар кесишмасида шаклланган мураккаб, кўп қиррали категория ҳисобланади. Юридик фанларда ҳуқуқий тарбия кўпинча "шахснинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган мақсадли, тизимли, ташкил этилган фаолият" (Алексеев С.С.) сифатида таърифланади.

Педагогик фанларда эса ҳуқуқий тарбия тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, "шахсда ҳуқуқий билимлар, кўникмалар, қадриятлар ва ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён" тарзида тушунилади.

Тадқиқот давомида биз ҳуқуқий тарбиянинг педагогик мазмунини қуйидагича аниқлаштиришни таклиф этамиз: ҳуқуқий тарбия — бу ўқувчиларда ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ҳуқ-атвор кўникмаларини мақсадли, тизимли ва ташкиллаштирилган тарзда шакллантиришга қаратилган яхлит педагогик жараён бўлиб, у шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий компетенциясини ривожлантиришни кўзда тутди.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги муҳим хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, ҳуқуқий тарбия мақсадли жараён бўлиб, аниқ белгиланган тарбиявий мақсадларга эришишга йўналтирилган.

Бу мақсадлар ўқувчиларда ҳуқуқий билимларни шакллантириш, ҳуқуқий онгни ривожлантириш, ҳуқуққа ҳурмат ҳиссини тарбиялаш ва қонунга бўйсунувчан ҳуқ-атворни шакллантиришдан иборат.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарбия тизимли характерга эга бўлиб, алоҳида тадбирлар мажмуи эмас, балки ўзаро боғлиқ, кетма-кет амалга ошириладиган педагогик фаолият тизимини ташкил этади.

Учинчидан, ҳуқуқий тарбия интегратив хусусиятга эга бўлиб, таълим ва тарбия жараёнининг ажралмас бирлигини тақозо этади. Ҳуқуқий билимлар ўқув жараёнида берилса, ҳуқуқий кадриятлар ва кўникмалар тарбиявий фаолият орқали шакллантирилади.

2. Ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентлари

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентлари қуйидагилардан иборат:

Мақсад компоненти. Ҳуқуқий тарбиянинг стратегик мақсади — ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантириш, яъни уларни жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъектлари сифатида тайёрлашдир. Тактик мақсадлар эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқувчиларда ҳуқуқий билимлар тизимини шакллантириш (когнитив компонент);
- ҳуқуққа нисбатан ижобий эмоционал муносабатни тарбиялаш (аффектив компонент);
- ҳуқуқий ҳуқ-атвор кўникмаларини ривожлантириш (конатив компонент);
- ўқувчиларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш (фаолиятӣ компонент).

Мазмун компоненти. Ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни қуйидаги блокларни ўз ичига олади:

- *норматив-ҳуқуқий блок* — Конституция, қонунлар, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни;
- *аксиологик блок* — ҳуқуқий кадриятлар, адолат, тенглик, эркинлик тушунчалари;
- *фаолиятӣ-амалий блок* — ҳуқуқий вазиятларда ҳуқ-атвор алгоритмлари, ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш кўникмалари;
- *рефлексив блок* — ўз ҳуқ-атворини ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш қобилияти.

Технологик компонент. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг шакллари, методлари ва воситаларини ўз ичига олади. Бунда анъанавий (суҳбат, маъруза, ўқиш) ва инновацион (лойиҳа, кейс-стади, ўйин технологиялари, рақамли воситалар) методлар интеграциясини назарда тутати.

Натижа компоненти. Ҳуқуқий тарбиянинг натижавийлиги ўқувчиларнинг ҳуқуқий компетенциялари даражаси орқали баҳоланади. Бунда билимлар (ҳуқуқий саводхонлик), муносабатлар (ҳуқуқий онг), кўникмалар (ҳуқуқий ҳуқ-атвор) ва фаоллик (фуқаролик позицияси) мезонлари асос қилиб олинади.

3. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари

Ўтказилган назарий таҳлил натижасида умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланди:

3.1. Ёш хусусиятларига мослик хусусияти

Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбиянинг биринчи ва энг муҳим хусусияти — унинг ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослиги зарурлигидир.

Л.С. Выготскийнинг "яқин ривожланиш зонаси" назарияси ва Ж. Пиаженинг когнитив ривожланиш назариясига таянган ҳолда, ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни ва методлари ўқувчиларнинг ёш даврларига мос равишда дифференциацияланиши лозим:

Бошланғич синфлар (6-10 ёш) — конкрет-операцион тафаккур даври. Бу босқичда ҳуқуқий тарбия "яхшилиқ ва ёмонлик", "адолат", "қоида" каби элементар ахлоқий-ҳуқуқий тушунчаларни шакллантиришга қаратилади. Асосий методлар: эртак, ўйин, визуал тасвирлар, оддий вазиятли топшириқлар.

Ўрта синфлар (11-14 ёш) — формал-операцион тафаккурнинг шакллана бошлаши даври. Ўқувчиларда мавҳум тафаккур элементлари ривожланиб, улар ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тушуниш ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўла бошлайдилар.

Бу босқичда ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни кенгайтирилиб, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, жавобгарлик турлари, ҳуқуқбузарлик тушунчаси кабилар ўрганилади.

Юқори синфлар (15-17 ёш) — формал-операцион тафаккурнинг тўлиқ шаклланиши даври. Ўқувчилар мураккаб ҳуқуқий категорияларни тушуниш, ҳуқуқий муаммоларни мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятига эга бўладилар. Бу босқичда ҳуқуқий тарбия конституциявий асослар, ҳуқуқ тармоқлари, халқаро ҳуқуқ элементлари ва ижтимоий-ҳуқуқий лойиҳаларни ўз ичига олади.

3.2. Узлуксизлик ва босқичмабосқичлик хусусияти

Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбиянинг иккинчи муҳим хусусияти — унинг узлуксиз ва босқичма-босқич амалга оширилиши зарурлигидир. Ҳуқуқий тарбия бир мартали тадбир эмас, балки мактаб таълимининг бутун давомида изчил равишда олиб бориладиган жараён ҳисобланади. Бу хусусият қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

— ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни бошланғич синфлардан юқори синфларгача кенгайиб, чуқурлашиб боради (концентрик принцип);

— ҳар бир кейинги босқич олдинги босқичда шакллантирилган билимлар ва кўникмаларга таянади;

— ҳуқуқий тушунчалар ва категориялар оддийдан мураккабга, конкретдан мавҳумга тамойили асосида ўрганилади.

3.3. Интегративлик хусусияти

Ҳуқуқий тарбиянинг учинчи ўзига хос хусусияти — унинг интегратив характери, яъни таълим ва тарбиянинг турли йўналишлари билан чамбарчас боғлиқлигидир. Ҳуқуқий тарбия ахлоқий, фуқаролик, ватанпарварлик, меҳнат тарбияси ва бошқа тарбия йўналишлари билан узвий алоқададир:

— *ҳуқуқий ва ахлоқий тарбия* — ҳуқуқий нормалар ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади ва уларни мустаҳкамлайди. Ахлоқий тарбиясиз ҳуқуқий тарбия формал характерга эга бўлиб қолади;

— *ҳуқуқий ва фуқаролик тарбияси* — фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик тарбиясининг асосий мазмунини ташкил этади;

— *ҳуқуқий ва ватанпарварлик тарбияси* — ватанга муҳаббат, давлат рамзларига ҳурмат ва қонунларга содиқлик ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Бу интегративлик ҳуқуқий тарбияни тарбия тизимидан ажратилган ҳолда эмас, балки яхлит тарбия жараёнининг органик қисми сифатида амалга ошириш зарурлигини англатади.

3.4. Субъект-субъект муносабатлари хусусияти

Замонавий педагогик парадигма ҳуқуқий тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларнинг субъект-субъект характерга эга бўлишини тақозо этади. Бу шуни англатадики, ўқувчи ҳуқуқий тарбиянинг пассив объекти эмас, балки фаол субъекти бўлиб, ўз ҳуқуқий ривожланиш жараёнида иштирок этади. Ушбу хусусият қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

— ўқувчиларнинг ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил фикрлаш, баҳолаш ва қарор қабул қилиш имкониятларини яратиш;

— ўқувчиларнинг ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантириш (ўзини ўзи бошқариш, волонтерлик, ижтимоий лойиҳалар);

— ҳуқуқий тарбия жараёнида диалогик муносабатларни шакллантириш.

3.5. Амалий йўналтирилганлик хусусияти

Ҳуқуқий тарбиянинг бешинчи ўзига хос хусусияти — унинг амалий йўналтирилганлиги, яъни ўқувчиларда нафақат назарий билимларни, балки амалий кўникмаларни ҳам шакллантиришга қаратилганлигидир. Ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларни реал ҳаётӣ вазиятларда қўллай олиш қобилиятлари билан белгиланади. Бу хусусият қуйидагиларни тақозо этади:

— назарий ҳуқуқий билимларни амалий вазиятлар билан боғлаш;

— ўқувчиларга ҳуқуқий вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини ўргатиш;

— реал ҳаётӣ мисоллар, кейслар ва вазиятли топшириқлардан кенг фойдаланиш.

3.6. Тарбиявий муҳитнинг аҳамияти хусусияти

Мактабда ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тарбиявий муҳитнинг характерига боғлиқ. Ҳуқуқий тарбия фақат дарс жараёнида эмас, балки мактабнинг бутун ижтимоий-педагогик муҳитида амалга оширилади. Бунда қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга:

— мактаб қоидалари ва тартиб-интизомининг ҳуқуқий нормаларга мувофиқлиги;

— мактабда демократик бошқарув тамойилларининг амалга оширилиши;

— ўқитувчилар жамоасининг ҳуқуқий маданияти ва намуна кўрсатиши;

— мактаб ва оила, жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик.

4. Ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг концептуал модели

Ўтказилган назарий таҳлил натижаларига асосланиб, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқдик. Ушбу модель қуйидаги блокларни ўз ичига олади:

I. Мақсадли блок:

— стратегик мақсад: ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантириш;

— тактик мақсадлар: ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий ҳуқ-атвор кўникмаларини ривожлантириш.

II. Методологик блок:

— тизимли, шахсга йўналтирилган, компетенциявий, фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар;

— принциплар: илмийлик, тизимлилиқ, узлуксизлик, ёшга мослик, интегративлик, амалий йўналтирилганлик.

III. Мазмун блоки:

— когнитив компонент (билимлар): ҳуқуқий тушунчалар, нормалар, институтлар;

- аксиологик компонент (қадриятлар): адолат, тенглик, ҳуқуққа ҳурмат;
- праксеологик компонент (кўникмалар): ҳуқуқий ҳуқ-атвор алгоритмлари;
- рефлексив компонент: ўз ҳуқ-атворини ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш.

IV. Технологик блок:

- дарс жараёнида: тизимли ҳуқуқий таълим (Конституция асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари);
- дарсдан ташқари: тематик тадбирлар, учрашувлар, танловлар, лойиҳалар;
- ўзини ўзи тарбиялаш: мустақил ўқиш, интернет ресурслар, ҳуқуқий порталлар.

V. Натижавий блок:

- ҳуқуқий саводхонликнинг юқори даражаси;
- ижобий ҳуқуқий онг;
- қонунга бўйсунувчан ҳуқ-атвор;
- фуқаролик позициясининг шаклланганлиги.

5. Ҳуқуқий тарбия принципилари тизими

Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнини самарали ташкил этиш учун қуйидаги принципилар тизими назарий жиҳатдан асосланди:

1. **Илмийлик принципи** — ҳуқуқий тарбия мазмунининг замонавий юридик ва педагогик фан ютуқларига мувофиқлиги;
2. **Тизимлилик ва изчиллик принципи** — ҳуқуқий билимларнинг мантикий кетма-кетликда, тизимли равишда берилиши;
3. **Ёшга мослик принципи** — ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни ва методларининг ўқувчиларнинг психологик ёш хусусиятларига мувофиқлиги;
4. **Интегративлик принципи** — ҳуқуқий тарбиянинг тарбиянинг бошқа йўналишлари билан узвий боғлиқликда амалга оширилиши;
5. **Амалий йўналтирилганлик принципи** — назарий билимларнинг амалий кўникмалар билан уйғунлашуви;
6. **Ижтимоий мослик принципи** — ҳуқуқий тарбия мазмунининг жамиятнинг долзарб ижтимоий-ҳуқуқий муаммолари билан боғлиқлиги;
7. **Диалогийлик принципи** — ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тенг ҳуқуқли мулоқот асосида ҳуқуқий тарбиянинг амалга оширилиши;
8. **Рефлексивлик принципи** — ўқувчиларнинг ўз ҳуқуқий билимлари, муносабатлари ва ҳуқ-атворини мустақил баҳолаш имкониятларини яратиш.

Хулоса қилиб айтганимизда:

1. Ҳуқуқий тарбия — ўқувчиларда ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ҳуқ-атвор кўникмаларини мақсадли, тизимли ва ташкиллаштирилган тарзда шакллантиришга қаратилган яхлит педагогик жараён бўлиб, у юридик ва педагогик фанлар интеграциясида амалга оширилади.

2. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёни мақсад, мазмун, технологик ва натижа компонентларини ўз ичига олувчи яхлит тузилмавий тизим тариқасида ташкил этилиши лозим.

3. Ҳуқуқий тарбия жараёнининг олтига ўзига хос хусусияти аниқланди: ёш хусусиятларига мослик, узлуксизлик ва босқичмабосқичлик, интегративлик, субъект-субъект муносабатлари, амалий йўналтирилганлик ва тарбиявий муҳитнинг аҳамияти.

Ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон яратади.

4. Ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг концептуал модели ишлаб чиқилган бўлиб, у мақсадли, методологик, мазмун, технологик ва натижавий блокларни ўз ичига олади. Ушбу модель ҳуқуқий тарбиянинг самарали ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилади.

5. Ҳуқуқий тарбия принципларининг тизими (илмийлик, тизимлилик, ёшга мослик, интегративлик, амалий йўналтирилганлик, ижтимоий мослик, диалогийлик, рефлексивлик) назарий жиҳатдан асосланган бўлиб, ушбу принциплар мактабда ҳуқуқий тарбия жараёнини ташкил этишнинг методологик асоси вазифасини бажаради.

Келажакда ушбу назарий хулосаларни эмпирик тадқиқотлар орқали тасдиқлаш, ишлаб чиқилган концептуал моделни мактаб амалиётида синовдан ўтказиш ва ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини янада аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. — Тошкент, 2020.
3. Алексеев С.С. Теория государства и права: учебник. — М.: Норма, 2005. — 496 с.
4. Бабанский Ю.К. Педагогика: учебное пособие. — М.: Просвещение, 1988. — 479 с.
5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. — М.: Педагогика, 1989. — 192 с.
6. Бондаревская Е.В. Теория и практика личностно-ориентированного образования. — Ростов н/Д: РГПУ, 2000. — 352 с.
7. Выготский Л.С. Педагогическая психология. — М.: Педагогика-Пресс, 1999. - 536 с.
8. Кудрявцев В.Н. Правовое поведение: норма и патология. — М.: Наука, 1982. - 287 с.
9. Лазарев В.В. Общая теория права и государства: учебник. — М.: Юристъ, 2001. — 520 с.
10. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. — М.: Политиздат, 1975. — 304 с.
11. Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: учебник. — М.: Юристъ, 2004. — 512 с.
12. Муслимов Н.А. ва бошқ. Педагогик технологиялар. — Тошкент: "Turon-Iqbol", 2018. — 280 б.
13. Мусурмонова О.М. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. — Тошкент: Ўқитувчи, 2001. — 160 б.
14. Олимов Қ.Т. Педагогика. — Тошкент: "Fan va texnologiya", 2012. — 368 б.
15. Пиаже Ж. Избранные психологические труды. — М.: Международная педагогическая академия, 1994. — 680 с.
16. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 2002. — 720 с.
17. Сластёнин В.А. и др. Педагогика: учебное пособие. — М.: Академия, 2002. — 576 с.
18. Тохтаходжаева М.Х. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. — Тошкент: Фан, 2010. — 288 б.
19. Харламов И.Ф. Педагогика: учебное пособие. — М.: Гардарики, 2003. — 519 с.
20. Якиманская И.С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. — М.: Сентябрь, 2000. — 176 с.
21. Patrick J.J. Principles of Democracy for the Education of Citizens // ERIC Digest. — 2003. — ED480126.

22. Parker W.C. Teaching Democracy: Unity and Diversity in Public Life. — New York: Teachers College Press, 2003. — 224 p.
23. Torney-Purta J., Schwille J., Amadeo J. Civic Education Across Countries: Twenty-four National Case Studies from the IEA Civic Education Project. — Amsterdam: IEA, 1999. — 584 p.
24. Gross R.E., Dynneson T.L. Social Science Perspectives on Citizenship Education. — New York: Teachers College Press, 1991. — 312 p.
25. Massialas B.G. The Hidden Curriculum and Social Studies // Social Studies Professional. — 1996. — No. 130. — P. 5-7.